

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**АГРАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ
СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ
ЛОЙИҲАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ
БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ – 2024

АГРАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ
СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ
ЛОЙИҲАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ
БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Аграр ва озиқ-овқат соҳасида инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва мониторингини юритиш бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 31 бет.

Мазкур услубий қўлланма аграр ва озиқ-овқат соҳасида инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва мониторингини юритиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим. Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга** эга.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ РЎЙХАТИ | 3 |
| КИРИШ | 4 |
| ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА | 5 |
| ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ | 12 |
| ЛОЙИҲАНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI НАЗОРАТ ВА МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ | 16 |
| ТАШҚИ БЕҒАРАЗ КЎМАК МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ | 20 |
| ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲИ | 21 |
| ИЛОВАЛАР | 25 |

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5717-сон Фармони



Вазирлар Маҳкамасининг 22.07.2019 йилдаги “Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 616-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.2023 йилдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом



Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.2021 йилдаги “Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 786-сон қарори



КИРИШ

Мамлакатимиз аҳолиси 2024 йилга келиб 37 млн кишидан ошди. Бу эса қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш заруратини юзага келтирмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам кун тартибидаги долзарб масалага айланиб бормоқда.

Ушбу масалаларни ҳал этишда қишлоқ хўжалиги соҳасига кўплаб инвестицияларни жалб этиш ва амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ–459-сон қарори билан тасдиқланган 2023–2025 йилларда тармоқлар ва ҳудудлар кесимида инвестиция ва кредитларни ўзлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичларига кўра, мазкур даврда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан **1,2 млрд долларлик** инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш прогноз қилинган.

Бу мақсадга эришишда инвестиция лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириш ва ишга туширилган лойиҳаларнинг натижадорлигини таъминлашда уларни доимий мониторинг қилиб бориш муҳимдир.

Хусусан, инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши ва ҳимоя қилиниши баробарида уларнинг ўз мажбуриятларига тўлиқ амал қилишини таъминлаш ҳам даркор.

Бунинг учун кўрилаётган чора-тадбирлар билан бирга қишлоқ хўжалиги органлари ходимларининг билим ва малакаларини ошириш зарур бўлади.

Шундан келиб чиқиб, Аграр ва озиқ-овқат соҳасида инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва мониторингини юритиш бўйича **услубий қўлланма** ишлаб чиқилди. Мазкур Қўлланма қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат хизматчилари, шунингдек, инвесторлар ва соҳада фаолият юритаётган бошқа шахслар учун мўлжалланган.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Инвестициялар – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар.



- Инвестициялар **таркиби** қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
- маблағлар, шу жумладан пул маблағлари (чет эл валютаси), мақсадли банк омонатлари, пайлар, улушлар, акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- кўчар ва кўчмас мол-мулк (бино, иншоот, ускуна, машина ва бошқа моддий қимматликлар);
- интеллектуал мулкка доир мулкый ҳуқуқлар, шу жумладан у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимлар, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа қимматликлар.

Инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг асосий принциплари

адолатлилик ва инвестиция фаолияти субъектларининг тенглиги

инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлиги

ошкоралик ва очиқлик

қонунийлик

инвесторларга нисбатан камситишга йўл ўймаслик

инвесторларнинг виждонлиги презумпцияси



Инвестор қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- ✓ қонунчиликка зид бўлмаган инвестиция фаолиятини эркин амалга ошириш, инвестиция қилишни амалга ошириш ҳажмларини, турларини, шаклларини, соҳасини ва йўналишларини мустақил равишда белгилаш;
- ✓ инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;
- ✓ ўз инвестицияларига ва инвестиция фаолияти натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни тасарруф этиш, шунингдек инвестиция фаолияти натижаларини сотиш ва олиб чиқиш;
- ✓ инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадларни солиқлар, йиғимлар ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлар тўланганидан сўнг мустақил ва эркин тарзда тасарруф этиш;
- ✓ ўзи қабул қилган барча турдаги мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг таъминоти сифатида ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкый ҳуқуқлардан фойдаланиш;
- ✓ ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция (экспроприация) қилинган тақдирда муносиб компенсация олиш;

- ✓ кредитлар ва қарзлар тарзидаги пул маблағларини жалб этиш;
- ✓ давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари натижасида етказилган зарарлар учун товон олиш.

»»» Инвесторнинг мажбуриятлари:

- ✓ солиқлар ва тўловларни тўлаш;
- ✓ инвестиция қилиш муносабати билан ўзи қабул қилган шартнома мажбуриятларини бажариш;
- ✓ қонунчилик талабларига, шу жумладан рақобат тўғрисидаги, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги, инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги, меҳнат тўғрисидаги, шаҳарсозлик тўғрисидаги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига, шунингдек техника хавфсизлигига, санитария нормалари ва қоидаларига риоя этиш;
- ✓ шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли инвестиция фаолияти иштирокчисига етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш;
- ✓ ваколатли давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида қўйиладиган талабларини бажариш.



Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси

- биржа, танлов ва тендер савдоларининг, электрон дўконларнинг ва ким ошди савдоларининг иштирокчиси бўлишга;
- инвесторлар билан уларнинг буюртмаларини бажариш юзасидан шартномалар тузишга;
- агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ўзининг инвестор олдидаги мажбуриятларини бажаришга бошқа шахсларни жалб қилишга ҳақли.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси:

✓ қонунчиликда белгиланган нормалар, қоидалар ва стандартларга, шу жумладан рақобат тўғрисидаги, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги, инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги, меҳнат тўғрисидаги, шаҳарсозлик тўғрисидаги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилиши;

✓ шартнома шартларини ўз вақтида ва лозим даражада бажариши;

✓ шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли инвесторга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаши;

✓ давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.



*“Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси” ва бошқа атамалар мазмуни Қўлланманинг **“Тушунчалар изоҳи”** бўлимида берилган.*

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат вазифалари бажарилишини таъминлайдиган инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестициялар самарадорлигини ошириш, мамлакат ҳудудидаги турли инвестиция объектларига қўйилмалар учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари

инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш

инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва Ҳукумат кафолатларини тақдим этиш

мамлакат ҳудудида махсус иқтисодий зоналарни ва кичик саноат зоналарини барпо этиш

асосий фондларни тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқини бериш

техник жиҳатдан тартибга солиш нормалари, қоидалари ва талабларини белгилаш

рақобатни қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш, шунингдек бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш


Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги **ваколатли давлат органи**дир.



Ваколатли давлат органининг **асосий ваколатлари** билан танишиш учун **QR-кодни** сканерланг.



Инвестиция фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш



Инвестиция фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар:

- инвестор банкрот деб эълон қилинганда ёки тан олинганда;
- фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий таҳдидлар юзага келганда;
- инвестиция шартномасида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномасида белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганда ва (ёки) қўпол равишда бузилганда;
- инвестиция фаолияти жараёнида санитария-гигиена, радиациявий, экологик, архитектура-шаҳарсозлик талаблари ҳамда бошқа талаблар, юридик ва жисмоний шахсларнинг талаблари, ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганда.

Инвестиция фаолиятини **тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб туришга ёки чеклашга** олиб келадиган тарзда чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш **суд тартибида** амалга оширилади.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун, 60-модда



Яъни, ваколатли орган томонидан тадбиркорлик субъектининг инвестиция фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш унинг бутун фаолиятини тўхтатиб туришга ёки чеклашга сабаб бўлмаслиги зарур.

»»» Бундан инвестиция фаолиятини фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий таҳдид юзага келишининг олди олиниши муносабати билан **10 иш кундан кўп бўлмаган** муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно.



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

»»» 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури **3 йиллик даврга** мўлжалланади.



Дастур тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган концепциялари ва дастурлари, Президент ва Ҳукумат қарорлари асосида шакллантирилади ҳамда унинг асосий кўрсаткичлари ҳар йили аниқлаштириб ва янгилаб борилади.

Лойиҳа ташаббускорлари ўзларига тегишли қисмларда, инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини ўз вақтида ишлаб чиқиш, уларни Дастур лойиҳасига киритиш учун тақдим этиш, тармоқ жадваллари ва лойиҳа ҳужжатларини сифатли тайёрлаш, шунингдек қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, маблағларни тўлиқ ҳажмда ўзлаштириш ва ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга тушириш борасидаги барча тадбирларнинг сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминлайдилар.

**Асос: 2019 йил 14 майдаги
ПФ-5717-сон қарор**

»»» Лойиҳаларни Инвестиция дастурининг манзилли қисмига киритишнинг **мажбурий шартлари** қуйидагилар:

✓ лойиҳаларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаолди ёки лойиҳа ҳужжатлари ёки лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжудлиги, тўғридан-тўғри, шу жумладан, чет эл инвестициялари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно;

✓ тасдиқланган молиялаштириш манбалари ва лойиҳанинг умумий қиймати 500 минг доллардан кам бўлмаган миқдорда;

✓ инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа паспорти;



Инвестиция дастурига киритиш учун бошқа асослар (Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари).

Инвестиция дастурига лойиҳаларни киритиш учун танлаб олишнинг асосий мезонлари

| | |
|----------|---|
| 1 | лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий самарадорлиги |
| 2 | камбағалликни қисқартириш, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолининг турмуш даражаси сифатини оширишни таъминлашга йўналтирилган ижтимоий манфаатлар |
| 3 | лойиҳанинг тасдиқланган тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларининг кутилаётган натижалари билан ўзаро боғлиқлиги |
| 4 | лойиҳаларнинг бўш турган ёки самарасиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларида жойлаштирилиши |
| 5 | ишлаб чиқариш қувватларининг жадал ривожланишини, минерал хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг чуқур қайта ишланишини, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини таъминлаш ҳамда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш |
| 6 | лойиҳанинг энергия самарадорлиги ва уни амалга ошириш натижасида электр энергиясининг тежамкорлигини таъминлаш |

Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириш мақсадида:



Ҳар йили 1 апрелга қадар – Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги шакллар, намуналар ва макетларни лойиҳа ташаббускорларига юборади.



Ҳар йили 1 майга қадар:

✔ **лойиҳа ташаббускорлари** – вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини инобатга олган ҳолда инвестиция таклифларини;

✔ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги — давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини;

✔ Давлат активларини бошқариш агентлиги — давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва уларни хусусийлаштириш доирасидаги инвестиция таклифларини Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига тақдим этади.

»»» **Ҳар йили 20 июнга қадар** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тақдим этиладиган лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги, устуворлиги ва мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, инвестиция таклифларини баҳолашни назарда тутувчи инвестиция лойиҳаларининг дастлабки рўйхатини шакллантиради.



»»» **Ҳар йили 1 августга қадар** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги манфаатдор давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, тақдим этилган таклифларни **умумлаштиради** ва дастлабки Инвестиция дастурининг лойиҳасини ҳамда инвестиция лойиҳаларнинг манзилли рўйхатларини шакллантиради.

»»» **Ҳар йили 10 августга қадар** Инвестиция дастурининг дастлабки лойиҳасини ҳамда инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади.

»»» **Ҳар йили 25 августга қадар** Инвестиция дастурининг дастлабки лойиҳаси ҳамда инвестиция лойиҳаларининг рўйхатлари Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилади ва Инвестиция дастури бўйича таклифлар Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига тақдим этади.

»»» **Ҳар йили 25 октябрга қадар** лойиҳа ташаббускорлари инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида белгиланган тартибда ишлаб чиқиб, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан келишилишини таъминлайди.

»»» **Ҳар йили 10 ноябрга қадар** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Инвестиция дастури лойиҳасини, шу жумладан, дастурни муваффақиятли амалга ошириш билан эришиладиган асосий кўрсаткичларини Вазирлар Маҳкамасига киритади.

»»» **Ҳар йили 1 декабрга қадар** Вазирлар Маҳкамаси Инвестиция дастурининг лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.



ЛОЙИҲАНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI НАЗОРAT VA МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

Лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш деганда, лойиҳани амалга ошириш реал кўрсаткичларини режалаштирилган кўрсаткичларга таққослаш, тафовутларни баҳолаш ва лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш ёки унинг амалга оширилишини тўхтатиш тўғрисида ўз вақтида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган тегишли тузатишлар киритиш ҳамда бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўриш тушунилади.

»»» Комплекс тармоқ жадвали тасдиқлангандан сўнг Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (тегишли қисми бўйича) лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилиш бўйича тегишли таркибий бўлинма раҳбарлари томонидан лойиҳалар амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилиш юзасидан ўзларининг масъул мутахассисларини тайинлайди.

»»» Ижро этувчи агентлик (*масалан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги*) ахборот тизимида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ёки Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (тегишли қисми бўйича) лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилиш бўйича тайинланган масъул мутахассислар тўғрисида хабарномани олади.



»»» **Маълумотлар диспетчери** лойиҳанинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисобот (маълумот)ни ахборот тизимига киритади.

Маълумотлар диспетчери — ижро этувчи агентлик ёки унинг идоравий мансуб органи/ташкilotининг лойиҳани амалга ошириш бўйича тегишли маълумотларни ахборот тизимига киритиш учун масъул бўлган ходими.

»»» Ҳисобот (маълумот) киритилгач, **назоратчи** унинг тўғрилиги, тўлиқлиги ва ишончилигини текширади ҳамда бу ҳақда ахборот тизимида тегишли белги қўяди.

»»» Хатолар аниқланганда, **ҳисобот** (маълумот) маълумотлар диспетчери томонидан **қайта ишланади**.

»»» Ахборот тизимида ҳисобот (маълумот) назоратчи томонидан маъқуллангач, тасдиқловчи томонидан тасдиқланади.

Тасдиқловчи — ижрочи этувчи органнинг лойиҳани амалга ошириш бўйича ахборот тизимига киритилган маълумотларни тасдиқлаш учун масъул бўлган раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган ходим.

»»» Ҳисобот (маълумот) ахборот тизимида **тасдиқловчи** томонидан тасдиқлангандан сўнг тақдим этилган ҳисобланади.

»»» Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ёки Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (тегишли қисми бўйича) лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилиш бўйича мутахассиси (мониторинг бўйича мутахассис) ҳисоботни (маълумот) тақдим этиш тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг тақдим этилган ҳисоботни (маълумот) **1 иш куни ичида** назорат ҳамда мониторинг қилади.

»»» Назорат ва мониторинг яқунлари бўйича ҳисобот (маълумот) қабул қилинади ёки рад этилади.

Ҳисобот (маълумот) рад этилган тақдирда:



мониторинг мутахассиси ахборот тизимида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда белги қўяди



ижро этувчи агентлик 1 иш куни давомида аниқланган хатоларни бартараф этади ва тасдиқловчи ҳужжатларни ҳисоботга (маълумотга) бириктиради

»»» Мониторинг мутахассиси томонидан ижобий қарор қабул қилинганда, ахборот тизимида ҳисобот (маълумот) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ёки Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг (тегишли қисми бўйича) лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат ва мониторинг бўлими раҳбарига (кейинги ўринларда мониторинг бўлими раҳбари деб аталади) юборилади.

»»» Мониторинг бўлими раҳбари ҳисоботни (маълумотни) 1 иш кунида кўриб чиқади ва уни қабул қилади ёки рад этади.

Ҳисобот (маълумот) рад этилган тақдирда, мониторинг бўлими раҳбари ахборот тизимида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда белги қўяди.

»»» Мониторинг бўлими раҳбари томонидан ижобий қарор қабул қилинганда, ахборот тизимида тегишли белгини қўяди ва ҳисобот (маълумот) қабул қилинган деб ҳисобланади.

»»» Амалга ошириладиган барча лойиҳалар бўйича ҳисоботлар (маълумотлар) йиғилиб ва умумлаштирилганидан сўнг тақдим этилган маълумотлар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ёки Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг (тегишли қисми бўйича) вазир ўринбосари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан тасдиқланади.

Ивестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ёки Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (тегишли қисми бўйича) томонидан ҳисобот (маълумот) ахборот тизимида тасдиқлангандан сўнг **назорат қилувчи органларга** ҳисобот даврида лойиҳани амалга ошириш бўйича киритилган маълумотларни кўриб чиқиш имконияти берилади.

Статистика агентлиги **ҳар чорақда** ахборот тизимида лойиҳаларнинг амалга оширилиши тўғрисида умумлаштирилган ҳисоботни (маълумотни) тайёрлайди.

Статистика агентлиги ахборот тизимида чорақлик ҳисоботни тасдиқлангандан сўнг назорат қилувчи органларга ҳисобот даврида киритилган маълумотларни кўриш имконияти берилади.

Назорат қилувчи органларга лойиҳа доирасида у ёки бу амалга оширилаётган ва яқунланган тадбирлар бўйича ахборот тизимида изоҳлар ёки эътирозлар қолдириш ҳуқуқи берилади.

Зарур ҳолатларда, амалдаги кўрсаткичлар режалаштирилганидан фарқ қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва юзага келиши мумкин бўлган тафовутлар тўғрисида олдиндан хабардор қилиш мақсадида, шунингдек, ишларни тўхтатиш ёки лойиҳа муддатидан олдин ёпилган ҳолларда тегишли ҳужжатларга ва лойиҳа параметрларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Лойиҳа параметрларига ўзгартиришлар киритиш тартиби билан танишиш учун **QR-кодни** сканерланг.



Қуйидаги ҳолларда лойиҳа **тўлиқ яқунланган** ҳисобланади:

✓ барча ишлар тўлиқ бажарилганда;

✓ барча ишлар бўйича улар бажарилганлиги тўғрисидаги тасдиқ белгиланган тартибда олинганда (бажарилган ишлар бўйича далолатномалар, хулосалар, баённомалар ва ҳисобот материаллари);

✓ уни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда.

ТАШҚИ БЕҒАРАЗ КЎМАК МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

Ишлаб чиқилаётган ва ягона реестрга киритилган лойиҳалар **мониторинг объеклари** ҳисобланади.

Ташқи беғараз кўмак лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг қилиш ваколатли орган томонидан қуйидагиларни **таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали** амалга оширилади:

✓ тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари ва лойиҳа битимлари, шу жумладан, лойиҳани амалга ошириш бўйича тармоқ жадваллари ва бошқа тегишли маълумотларни акс эттирувчи ҳужжатлар;

✓ донорлар, ташқи беғараз кўмак олувчилар ва лойиҳа ижрочиси томонидан тақдим этилган тезкор маълумотлар;

✓ ваколатли орган мониторингни ташкил қилиш учун вазирликлар, идоралар, халқаро ташкилотлар ва консалтинг компанияларининг мутахассисларини жалб қилишга ҳақли.

Ташқи беғараз кўмак олувчилар ҳар чоракда (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай) ваколатли органга ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ўзлаштирилган ташқи беғараз кўмак маблағлари ва амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида ушбу Қўлланмага 3-иловага мувофиқ маълумотни тақдим этадилар.



ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲИ

Инвестиция лойиҳаси

иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи

Инвестиция мажбурияти

белгиланган мақсадларга эришиш учун инвестор томонидан қабул қилинадиган мажбурият

Инвестиция сиёсати

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи

Инвестиция дастури

тармоқ ва ҳудудий ривожланиш концепциялари базасида шакллантирилган, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ҳамда мавжуд табиий, минерал хом ашё, молиявий, моддий, меҳнат ресурслари ва бошқа ресурслардан оқилona фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жадал ривожлантиришга эришиш, республика иқтисодиётининг алоҳида тармоқларини тузилмавий ўзгартириш бўйича асосий устувор йўналишлар ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган ўзаро боғланган комплекс чора-тадбирлар

Инвестиция фаолияти

инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси инвестицияларнинг амалга оширилишини буюрт-маларни бажарувчи сифатида ёки инвесторнинг топшириғи асосида таъминлайдиган инвестиция фаолияти субъекти

Инвестиция лойиҳаси иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёки жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи

Инвестиция шартномаси инвестиция фаолияти субъектлари ўртасида тузи-ладиган, инвестиция шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган ёзма битим

Инвестициядан кейинги мониторинг инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан бошлаб инвестициядан кейинги даврда лойиҳа ҳужжатларида кўзда тутилган мақсадли кўрсаткичларга эришишни кузатиш жараёни

Инвестор фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти

Ижро этувчи агентлик Инвестиция дастурига ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган вазирликлар ва идоралар, шунингдек, бошқа ташкилотлар

Лойиҳа ташаббускорлари Инвестиция дастури доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга раҳбарлик қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Маҳаллий инвесторлар

инвестиция фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси резиденти мақомига эга бўлган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари

Реинвестиция

инвестициядан олинган, тадбиркорлик фаолияти ва бошқа фаолият турлари объектларига кирити-ладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва восита-чилик ҳақлари, техник ёрдам, техник хизматлар учун тўловлар ва ҳақларнинг бошқа турлари

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари

чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари

Ташқи беғараз кўмакни олувчилар

Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек фаолиятида фойда олишни мақсад қилмаган юридик ва жисмоний шахслар (донорлар ва ваколатли органнинг бошқа келишувлари бундан мустасно)

Чет эл инвестициялари

чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар

**Чет эллик
инвесторлар**

чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, давлатлар ўртасидаги битимларга ёки бошқа шартномаларга мувофиқ тузилган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти бўлган халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган юридик шахслар, ҳар қандай бошқа ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар, чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар

**Чет эл
инвестициялари
иштирокидаги
корхоналар**

акцияларининг (улушларининг, пайларининг) ёки устав фондининг (устав капиталининг) камида 15 % ини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар

ИЛОВАЛАР

1-илова

ЛОЙИҲА ПАСПОРТИ

1. Асосий низомлар

| | |
|---|--|
| Лойиҳа номи | |
| Ташаббус учун асос | |
| Лойиҳанинг тасдиқланган ривожланиш концепциялари ва/ёки дастурлари билан боғлиқлиги (концепция ва/ёки дастурнинг номи ҳамда дастур ва концепция доирасида лойиҳанинг ҳал қилинадиган вазифалари) | |
| Лойиҳанинг бошланиш ва якунланиш муддатлари | |
| Лойиҳа ташаббускори (ташкилотнинг тўлиқ номи, СТИР, асосий фаолият тури, жойлашган жойи (почта манзили), мулкчилик шакли, ходимлар сони, раҳбарнинг Ф.И.О., боғланиш учун телефон рақами ва факс рақамлари, электрон почта манзили) | |
| Лойиҳа ижрочиси ва ҳамижрочиси (ташкилотнинг тўлиқ номи, СТИР, асосий фаолият тури, юридик ва почта манзили, мулкчилик шакли, ходимлар сони, раҳбарнинг Ф.И.О., боғланиш учун телефон рақами ва факс рақамлари, электрон почта манзили) | |
| Лойиҳани амалга ошириш ҳудуди | |
| Лойиҳанинг умумий қиймати | |
| Лойиҳа амалга оширилаётган тармоқ | |

2. Лойиҳа тавсифи

| | |
|---|--|
| Лойиҳани амалга оширишдан мақсад | |
| Маркетинг маълумотлари | |

| | |
|---|--|
| ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулот ва унинг хусусиятлари | |
| лойиҳанинг бошқа рақобатдош афзалликлари | |
| асосий рақобатчилар | |
| импорт ўрнини босувчи ёки экспорт қилиниши мўлжалланаётган маҳсулот ҳажми | |
| экспорт майдони | |

3. Лойиҳанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

| Т/р | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Жами | Режалаштирилаётган молиялаштириш манбаи | |
|-----|--|---------------------|------|---|---|
| | | | | ўз маблағлари | жалб қилинаётган маблағлар (манба номи) |
| 1. | Капитал қўйилмалар суммаси, жами: | | | | |
| | машиналар ва асбоб-ускуналар | | | | |
| | қурилиш-монтаж ишлари | | | | |
| | бошқа маблағлар | | | | |
| 2. | Корхона қуввати, шу жумладан: йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, шундан экспорт ҳажми | тегишли бирликларда | | | |
| 3. | Яратилаётган иш ўринлари сони, шундан доимий ва мавсумий, вақтинча (қурилиш-монтаж ишлари даврида) | Нафар | | | |
| 4. | Лойиҳанинг ҳисобланган ўзини қоплаш муддати | Йил | | | |
| 5. | Инвестиция даври муддати | Ой | | | |

4. Лойиҳа бюджети (йилларда)

| Т/р | Маблағлар манбаи | Ўлчов бирлиги | Амалга ошириш муддати | | | | | Жами |
|------|---|------------------|-----------------------|------|------|------|------|------|
| | | | 20__ | 20__ | 20__ | 20__ | 20__ | |
| | Молиялаштириш манбаи | | | | | | | |
| 1. | ХМИ/ХҲМТ, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси: | | | | | | | |
| 1.1. | | | | | | | | |
| 2. | Марказлаштирилмаган манбалар: | | | | | | | |
| 2.1. | | | | | | | | |

2-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИНИ УЧ ЙИЛЛИК ДАВРГА ШАКЛЛАНТИРИШ

| Босқичлар | Чора-тадбирлар | Муддатлар | Масъул вазирликлар, идоралар, бошқа ташкilotлар |
|---|---|-------------------------|---|
| I. Инвестиция лойиҳалари рўйхатини ХМИ/ХҲМТ, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кафолатланмаган кредитлар ҳамда бошқа марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан шакллантириш | | | |
| 1-босқич | Инвестиция дастури лойиҳасига киритиш учун инвестиция таклифларини тақдим этиш шаклланинг намуналари ва макетларини ишлаб чиқиш ва ташаббускорларга юбориш. | Ҳар йили 1 апрелгача | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги |

| | | | |
|-----------------|---|------------------------|---|
| 2-босқич | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига инвестиция дастури лойиҳасига киритиш учун инвестиция таклифларини тақдим этиш. | Ҳар йили 1 майгача | Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига Инвестиция дастури лойиҳасига киритиш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириладиган инвестиция таклифларини тақдим этиш. | | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига Инвестиция дастури лойиҳасига киритиш учун давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва уларни хусусийлаштириш доирасидаги инвестиция таклифларини тақдим этиш. | | Давлат активларини бошқариш агентлиги |
| 3-босқич | Инвестиция дастури лойиҳасига киритиш учун тақдим этиладиган инвестиция лойиҳаларининг дастлабки рўйхатини шакллантириш. | Ҳар йили 20 июнгача | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |

II. Уч йиллик инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириш ва тасдиқлаш

| | | | |
|-----------------|---|---------------------------|--|
| 1-босқич | Тақдим этилган таклифларни умумлаштириш ва Инвестиция дастури лойиҳасига киритиш учун таклиф қилинган инвестиция лойиҳаларининг дастлабки рўйхатини шакллантириш. | Ҳар йили 1 августгача | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| 2-босқич | Инвестиция дастури лойиҳасига киритиш учун Ҳукуматга инвестиция лойиҳаларининг дастлабки рўйхатини киритиш. | Ҳар йили 10 августгача | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги |
| 3-босқич | Инвестиция дастури лойиҳасига киритиладиган инвестиция лойиҳаларининг дастлабки рўйхатини Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлинмалари билан келишиш. | Ҳар йили 25 августгача | Вазирлар Маҳкамаси |
| 4-босқич | Лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда ўз вақтида ишлаб чиқиш ва келишишни таъминлаш, шунингдек Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг экспертиза органларига (ижтимоий объектлар бўйича) кейинчалик | Ҳар йили 25 октябргача | Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, лойиҳалар ташаббускорлари |

| | | | |
|-----------------|--|--------------------------|---|
| | <p>қуйидагиларга киритиш учун тақдим этиш:</p> <p>ХМИ/ХХМТ ва Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кафолатланмаган кредитлар ҳамда бошқа марказлаштирилмаган манбалар бўйича Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига.</p> | | |
| 5-босқич | Дастур лойиҳасини Ҳукуматга киритиш. | Ҳар йили 10 ноябргача | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| 6-босқич | Дастур лойиҳасини Президент Администрациясига киритиш. | Ҳар йили 1 декабргача | Вазирлар Маҳкамаси |

**20 ____ йилнинг ____ чорагида олинган ва ўзлаштирилган ташқи
беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган
лойиҳалар тўғрисида**

МАЪЛУМОТ

Олувчи _____

(тўлиқ номи)

Телефон, эл. манзил _____

| № | Лойиҳа номи | Донор номи | Лойиҳа бошланиши (ой, йил) | Лойиҳа якуни (ой, йил) | Ҳолати (бошланган, амалга оширилмоқда, яқунланган, ишлар олиб борилмоқда, Донор билан ишлар олиб борилмоқда) | Лойиҳа қиймати (млн долл.) | Ўзлаштириш суммаси (млн долл.) |
|---|-------------|------------|----------------------------|------------------------|---|----------------------------|--------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | |

| Соҳа | Лойиҳани амалга оширишда асос ҳужжатлар | Ташқи беғараз кўмак маблағлари иштирокидаги лойиҳаларнинг мақсади ва амалга оширишда кутилаётган натижалар | Лойиҳа амалга ошириш жойи | Амалга оширилган ишлар |
|------|---|--|---------------------------|------------------------|
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |